

**ДИССЕРТАЦИЯ ВА  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИНИ  
РАСМИЙЛАШТИРИШ  
ҚОИДАЛАРИ**





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг  
2015 йил 20 марта даги 214/8-сон  
қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг  
2017 йил 31 майдаги 239/8-сон қарори билан  
ўзгартириш ва кўшичмалар киритилган

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 2015 йил 14 апрелдаги 2665 рақам  
хамда 2017 йил 23 июндаги 2665-1 рақам  
билин рўйхатдан ўтказилган

## Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD) ҳамда фан доктори (Doctor of Sciences, DSc) диссертацияси (бундан буён матнда диссертация деб юритилади) ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини белгилайди.



### 1-боб. Умумий қоидалар

1

Диссертацияни расмийлаштиришда қуйидаги умумий талабларга риоя қилиниши лозим:  
матн таҳририй жиҳатдан равон, хатосиз ва уни расмийлаштиришга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳамда мантиқий боғлиқликда бўлиши;

диссертациянинг таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ҳамда тушунарли равища мантиқий изчилликда ёритилиши;

ҳар бир бобда ишнинг мазмун-моҳияти тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда очиб берилиши;

ҳар бир бобнинг охирида тадқиқ қилинган муаммолар бўйича холоса ва таклифлар берилиши;

баён қилинган холоса диссертация тадқиқотининг мантиқий ҳосиласи сифатида ишончли манбалар асосида аниқ ва қисқа ифодаланиши, чуқур фикр-мулоҳазалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган бўлиши.

**2** Диссертация авторефератида тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишнинг илмий янгилиги, амалий ва илмий натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ишнинг моҳияти очиб берилганлиги, шунингдек холосалари баён этилиши лозим.



## 2-боб. Диссертацияни расмийлаштириш

### 1-§. Диссертацияга қўйиладиган талаблар

**3** Диссертацияни расмийлаштириш докторант ёки мустақил изланувчининг хоҳишига кўра ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан келишган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

**4** Диссертациянинг титул вараги мазкур Қоидаларнинг 1 ва 1а-илловаларига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

**5** Диссертация қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:  
мундарижа;

кириш (диссертация аннотацияси);

асосий қисм;

холоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

шартли белгилар ва атамалар рўйхати (мавжуд бўлса);

илловалар (мавжуд бўлса).

**6** Диссертациянинг мундарижасида боблар ва параграфларнинг номланиши ҳамда уларнинг бети кўрсатилилади.

- 7** Диссертациянинг кириш қисми тадқиқотнинг мөҳияти тўғрисида қисқа, лекин яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон бериши керак. Мазкур қисмда диссертация тадқиқоти мөҳиятини тавсифлайдиган асосий маълумотлар пухта таҳрир қилинган, қисқа, аниқ ва равон бўлиши керак.
- 8** Диссертациянинг кириш қисмida қуйидагилар ёритиб берилиши керак:  
диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати;  
тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги;  
диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи (фақат фан доктори (DSc) диссертацияси учун);  
муаммонинг ўрганилганлик даражаси;  
диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги;  
тадқиқотнинг мақсади;  
тадқиқотнинг вазифалари;  
тадқиқотнинг объекти;  
тадқиқотнинг предмети;  
тадқиқотнинг усуслари;  
тадқиқотнинг илмий янгилиги;  
тадқиқотнинг амалий натижалари;  
тадқиқот натижаларининг ишончлилиги;  
тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти;  
тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши;  
тадқиқот натижаларининг апробацияси;  
тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги;  
диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.
- 9** Диссертациянинг асосий қисмida ишнинг мазмун-мөҳияти баён қилинади. Асосий қисм — боблар ва параграфлардан ташкил топади.
- 10** Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий қисми камидан учта бобдан, фан доктори (DSc) диссертациясининг асосий қисми эса, камидан тўртта бобдан иборат бўлиши лозим.
- 11** Диссертация хulosасида диссертация тадқиқоти бўйича умумлаштирилган хulosса, фикр, таклиф ҳамда тавсиялар қисқа ва аниқ келтирилади. Хulosса таҳририй жиҳатдан пухта, қисқа, аниқ ва равшан ифодаланиб, бандланган (рақамланган) ҳолда расмийлаштирилади.

- 12** Фойдаланилган адабиётлар рўйхати диссертация матнида ҳавола қилинган барча илмий ва бошқа нашрлар рўйхатидан иборат бўлиши керак.
- 13** Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қуидаги уч қисмдан иборат бўлади:
- норматив-хукуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар;
- монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар;
- фойдаланилган бошқа адабиётлар.
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати алифбо, систематик ёки матнда ҳавола қилиниши кетма-кетлиги тарзида келтирилади.
- Диссертацияда фойдаланилмаган ва ҳавола қилинмаган адабиётларни рўйхатга киритишга йўл қўйилмайди.
- 14** Диссертацияда фойдаланилган материаллар манбаи, унинг муаллифи ва номи тўлиқ кўрсатилиши лозим. Диссертацияда илмий иш ёзишда иштирок этган ҳаммуаллифларнинг гоя ёки ишланмаларидан фойдаланилган тақдирда, улар диссертация ва диссертация авторефератида қайд этилиши шарт.
- 15** Диссертациянинг шартли белгилар ва атамалар рўйхати қисмида диссертация матнида нисбатан кўп учрайдиган махсус белгилар ва қисқартма сўзларга изоҳ берилиши керак.
- 16** Диссертациянинг иловалари диссертациянинг асосий матни билан бирга битта жилдга жамланган ёки алоҳида жилд шаклида расмийлаштирилиши мумкин. Иловаларга диссертация матнини тўлдирадиган ва тасвирлайдиган ёрдамчи материаллар киритилиши мумкин.
- Иловаларнинг кетма-кетлиги диссертация матнида уларга ҳавола қилиш тартибига мос келиши керак.

## **2-§. Диссертация матнининг расмийлаштирилишига қўйиладиган талаблар**

- 17** Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳажми 60 варақдан, фан доктори (DSc) диссертациясининг ҳажми эса, 100 варақдан ошмаслиги керак (матн ва рақнинг олд ва орқа томонига ёзилади). Ижтимоий-гуманистар фанлар йўналишидаги диссертация ҳажми қўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин. Мундарижа, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда

иловалар кўрсатилган ҳажмга кирмайди.

**18** Диссертация матни А4 форматдаги стандарт қоғоз варафининг икки томонида жойлашиши ва қоидада тариқасида, 1,5 қатор оралиғида (“полуторный”) ёзилиши лозим. Ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см; чапдан 3 см; ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбоши 1,27 см га тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда “Times New Roman” 14 ўлчамли шрифтда “Microsoft Word” матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

**19** Бетлар титул варағидан бошлаб охирги варақгача изчил кетма-кетликда рақамланади. Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Титул варағига 1 рақами қўйилмайди.

**20** Диссертациянинг мундарижаси, кириш қисми, ҳар бир боби, холоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва бошқа таркибий қисмлари янги бетдан расмийлаштирилади.

**21** Диссертация таркибий қисмларининг бош сарлавҳалари («Мундарижа», «Кириш», «Холоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва бошқалар) бош ҳарфларда ёзилади.

**22** Боблар рим рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Боблар ва параграфлар сарлавҳаларининг юқори ва пастки қисмидан 12 ўлчамли («пт») оралиқ қолдирилиши керак.

**23** Диссертация матнида фойдаланилган адабиётлардан олинган материалга ҳавола сатр ости эслатмаларда келтирилади ёки унинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги тартиб рақами ва шу адабиётга иқтинос материал жойлашган бет қавс ичиди, диссертация матнининг ўзида алоҳида кўрсатилади (масалан: [1; 25-26-б.]).

**24** Сурат, фотосурат, график, чизма, диаграмма ва шу кабилар «расм» сўзи билан ифодаланиб, улар варақда кўриш учун қулай тарзда жойлаштирилиши керак.

**25** Расмлар улар жойлашган боблар тартиб рақами кўрсатилган ҳолда, изчил кетма-кетликда, расмнинг постида ўрта қисмида рақамланади (масалан: «1.1-расм.»), иловаларда келтирилган расмлар бундан мустасно.

Ҳар бир расм номланиши керак. Расмнинг номи унинг остига ёзилади.

Зарур ҳолларда расмга изоҳ берилиши мумкин ва у ҳам расмнинг остига қўйилади.

**26** Рақамли материаллар жадвал кўринишида расмий-лаштирилиши лозим. Жадваллар улар жойлашган боблар тартиб рақами кўрсатилган ҳолда, изчил кетма-кетликда, жадвалнинг тепа ўнг бурчак қисмида рақамланади (масалан: “1.1-жадвал.”).

Ҳар бир жадвал номланиши керак. Жадвалнинг номи унинг остига ёзилади.

**27** Диссертация матнида бериладиган формулалар (тenglамалар) «Microsoft Word» матн редакторининг «Формула» функцияси ёрдамида аниқ ёзилган бўлиши шарт. Катта ва кичик ҳарфлар, юқори ва пастки индекслар формулада аниқ берилиши керак.

Формула учун белгиларнинг ўлчами қуидагича ифодалиниши тавсия этилади:

катта ҳарфлар ва рақамлар 5-6 мм;

кичик ҳарфлар 3 мм дан кам бўлмаган;

даража кўрсаткичлари ва индекслари 2 мм дан кам бўлмаган ҳажмда.

Формула ва тегишли материал «LaTeX» форматида берилиши мумкин.

Белгиларнинг маънолари бевосита формула остида уларнинг формуладаги кетма-кетлиги бўйича берилади. Ҳар бир белгининг маъноси янги қатордан берилиши лозим. Берилган маъноларнинг биринчи қатори «бунда» деган сўз билан икки нуқтасиз бошланади.

Формулалар матндан алоҳида бўш қаторлар билан ажратиб ёзилади. Ҳар бир формуланинг юқори ва пастки томонларидан 12 ўлчамли («пт») оралиқ қолдирилиши керак.

Агар тенглама битта қаторга сифмаса, сифмаган қисм тенглик белгиси «=» ёки қўшиш «+», айириш «-», кўпайтириш «x» ва бўлиш «:/» белгиларидан кейин кўчирилиши керак.

Ҳар бир формула у жойлашган боб тартиб рақами кўрсатилган ҳолда, изчил кетма-кетликда, формуланинг ўнг томонида қавс ичida рақамланади (масалан: «(1.1)»).

**28** Диссертация матнида кўрсатилган расм, жадвал ёки формулага ҳавола қилинганда, қавс ичida тегишли расм, жадвал ёки формуланинг рақами (белгиси) келтирилиб, «қаранг» деган сўз қўлланилади (масалан:

«1.3-жадвалга қаранг»).

- 29 Диссертация матнида бериладиган изоҳлар изчил кетма-кетликда рақамланади (масалан: «Изоҳ 1.:»).
- 30 Диссертация матнида кўрсатилган шахсларнинг Ф.И.О. ҳамда ташкилот ва маҳсулотларнинг номлари ва бошқа атоқли отлар ўзгартирилиб ёзилишига йўл қўйилмайди.
- 31 Диссертациянинг иловалари алоҳида бетларда расмийлаштирилиб, изчил кетма-кетликда рақамланади ва «илова» деган сўз билан ифодаланади (масалан: «1-илова»). Илова тегишли сарлавҳага эга бўлади.

Иловалар диссертациядан алоҳида жилдда расмийлаштирилганда, жилднинг титул варафида диссертация мавзусининг номи ва унинг остида бош ҳарфлар билан «Иловалар» деган сўз ёзилади.



### 3-боб. Диссертация авторефератини расмийлаштириш

#### 1-§. Диссертация авторефератига қўйиладиган талаблар

- 32 Диссертация автореферати рисола кўринишида тайёрланиб, унинг муқоваси мазкур Қоидаларнинг 2 ва 2а-иловаларига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади. Бунда асосий муқоваси оқ-ялтироқ қофозда ва ички муқовалари (ўзбек, рус ва инглиз тилларида алоҳида) оқ қофозда расмийлаштирилади.
- 33 Диссертация автореферати асосий муқовасининг орқа томонида диссертация авторефератининг мундарижаси кўрсатилади.
- 34 Ички муқоваларнинг орқа томони мазкур Қоидаларнинг 3 ва За-иловаларига мувофиқ шаклда, тегишлича рус ва инглиз тилларига таржима қилинган ҳолда расмийлаштирилади.
- 35 Диссертация автореферати қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:  
кириш (диссертация аннотацияси);  
диссертациянинг асосий мазмуни;  
хуолоса;

эълон қилинган ишлар рўйхати.

- 36** Диссертация авторефератининг кириш қисми диссертациянинг кириш қисми билан айнан бир хил бўлиши лозим.
- 37** Диссертациянинг асосий мазмуни қисмида диссертациянинг моҳияти қисқача баён қилиниб, тадқиқот мақсадига эришилганлиги ва вазифаларининг бажарилганлиги кўрсатиб берилиши керак.
- 38** Хулоса қисмида диссертация тадқиқоти бўйича хулосалар, таклиф ва тавсиялар ҳамда амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган натижалар келтирилади.
- 39** Эълон қилинган ишлар рўйхатида диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар рўйхати кўрсатилади. Улар қуйидаги хронологик тартибда келтирилиб, изчил кетма-кетликда рақамланади:
- монография;
  - патент;
  - илмий мақола;
  - илмий тўпламлар ва бошқа нашр ишлари.
- 40** Нашр қилинган илмий ишлар рўйхати қуйидаги икки бўлимдан иборат бўлиши лозим:  
биринчи бўлимда – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган рўйхатдаги илмий нашрларда чиқарилган илмий ишлар ва олинган патентлар кўрсатилади. Бунда кўрсатилган ҳар бир илмий ишнинг фан тармоғи шифри ва чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги тартиб рақами қавс ичida ёзиб қўйилади (масалан: 01.00.00; № 15);  
иккинчи бўлимда – бошқа илмий нашрлар.
- 41** Зарур ҳолларда, авторефератда муҳим бўлган расм, жадвал ҳамда формуласалар ва шу кабилар кўрсатилиши мумкин. Улар бутун автореферат бўйича изчил кетма-кетликда рақамланади.

## 2-§. Диссертация автореферати матнининг расмий-лаштирилишига қўйиладиган талаблар

**42** Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефера-ти ўзбек ва рус ёки инглиз тилларида 2 босма табоқ, ҳар бир тилда 1 босма табоқ ҳажмда тайёрланиб, унинг учинчи тилдаги (инглиз ёки рус) қисқача мазмуни ҳам берилади.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати ўзбек ва рус ёки инглиз тилларида 3 босма табоқ (ҳар бир тилда 1,5 босма табоқ) ҳажмда тайёрланиб, унинг учинчи тилдаги (инглиз ёки рус) қисқача мазмуни ҳам берилади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация авторефератининг ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин.

**43** Диссертация автореферати қўйидаги техник талабларга мувофиқ тайёрланади ва рисола шаклида чоп этилади:

матн А4 форматдаги стандарт қофоз варафининг бир томонида жойлаштирилади;

матн 1 қатор оралиғида (“одинарный”) ёзилиши лозим. Ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см; чапдан 3 см; ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбоши 1 см га teng ва бир хилда бўлади;

рисоланинг ўлчами 21 x 14,5 см бўлади.


**44** Бетлар асосий муқовадан бошлаб охирги варақгacha изчил кетма-кетликда рақамланади. Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида «5» рақамидан бошлаб ёзилади. Асосий муқова ва унинг орқа томони ҳамда ички муқовалар ва уларнинг орқа томонларига тегишли бетнинг рақами қўйилмайди.

**45** Диссертация автореферати таркибий қисмларининг бош сарлавҳалари («Мундарижа», «Кириш (диссертация аннотацияси)», «Диссертациянинг асосий мазмуни», «Хулоса», «Эълон қилинган ишлар рўйхати») бош ҳарфларда ёзилади. Уларнинг тагидан 12 ўлчамли («пт») оралиқ қолдирилиши керак.

**46** Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги билан келишилган.


Диссертация ва диссертация авторефератини  
расмийлаштириш қоидаларига  
1-ИЛОВА

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси титул варагининг  
ШАКЛИ



«Диссертация ва диссертация авторефератини  
расмийлаштириш қоидаларига  
1а-ИЛОВА


Фан доктори (DSc) диссертацияси титул варагининг  
ШАКЛИ



Диссертация ва диссертация авторефератини  
расмийлаштириш қоидаларига  
2-ИЛОВА


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
муқовасининг  
ШАКЛИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЁКИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**



Диссертация ва диссертация авторефератини  
расмийлаштириш қоидаларига  
2а-ИЛОВА

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати муқовасининг  
ШАКЛИ



Диссертация ва диссертация авторефератини  
расмийлаштириш қоидаларига  
3-ИЛОВА

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати муқоваси  
орқа томонининг  
ШАКЛИ

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзууси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
ракам билан рўйхатга олинган.**

**20 пт**

Докторлик диссертацияси \_\_\_\_\_ да бажарилган.

(диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқикот муассасасининг номи)

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий  
кенгашнинг веб-саҳифасида (\_\_\_\_\_) ва «Ziyonet» Ахборот таълим  
порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**20 пт**

Илмий раҳбар:

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

Расмий оппонентлар:

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

**10 пт**

**6 пт**

**10 пт**

Етакчи ташкилот:

**21 пт**

Диссертация химояси \_\_\_\_\_ хузуридаги

(олий таълим ёки илмий-тадқикот муассасасининг номи)

ракамли Илмий кенгашнинг 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_\_\_  
даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: \_\_\_\_, Тел./факс: \_\_\_\_, e-mail: \_\_\_\_.)

**6 пт**

Диссертация билан \_\_\_\_\_

(олий таълим ёки илмий-тадқикот муассасасининг номи)

Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ раками билан рўйхатга  
олинган). (Манзил: \_\_\_\_\_. Тел.: \_\_\_\_\_.)

**6 пт**

Диссертация автореферати 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ ракамли реестр баённомаси).

Исми ва отасининг исми бош  
харфлари, фамилияси тўлиқ  
ёзилади.

**6 пт**

(Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг  
Ф.И.О., илмий даражаси, илмий унвони)

**6 пт**

(Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котибининг  
Ф.И.О., илмий даражаси, илмий унвони)

(Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги  
илмий семинар раисининг Ф.И.О., илмий даражаси, илмий унвони)

Изоҳ: мазкур Шакл «Times New Roman» матн редакторининг 11 ўлчамли  
шифтда расмийлаштирилади.

Диссертация ва диссертация авторефератини  
расмийлаштириш қоидаларига  
За-ИЛОВА

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати муқоваси орқа  
томонининг ШАКЛИ

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
ракам билан рўйхатга олинган.**

**20 пт**

Докторлик диссертацияси \_\_\_\_\_ да бажарилган.

(диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқикот муассасасининг номи)

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий  
кенгашнинг веб-саҳифасида (\_\_\_\_\_) ва «Ziyonet» Ахборот таълим  
порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**20 пт**

Илмий раҳбар:

Расмий оппонентлар:

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

**10 пт**

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

**6 пт**

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

**6 пт**

(Ф.И.О. илмий даражаси, илмий унвони)

**6 пт**

Етакчи ташкилот:

**21 пт**

Диссертация химояси \_\_\_\_\_ ҳузуридаги

(олий таълим ёки илмий-тадқикот муассасасининг номи)

ракамли Илмий кенгашнинг 20 \_\_\_\_ йил «\_\_» соат  
даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: \_\_\_\_\_. Тел./факс: \_\_\_, e-mail: \_\_\_.)

**6 пт**

Диссертацияси билан \_\_\_\_\_

(олий таълим ёки илмий-тадқикот муассасасининг номи)

Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ раками билан рўйхатга  
олинган). (Манзил: \_\_\_\_\_. Тел.: \_\_\_\_\_.)

**6 пт**

Диссертация автореферати 20 \_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20 \_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_ даги \_\_\_\_ ракамли реестр баённомаси).

Исми ва отасининг исми бош  
харфлари, фамилияси тўлиқ  
ёзилади.

(Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг

Ф.И.О., илмий даражаси, илмий унвони)

**6 пт**

(Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котибининг

Ф.И.О., илмий даражаси, илмий унвони)

**6 пт**

(Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги

илмий семинар раисининг Ф.И.О., илмий даражаси, илмий унвони

Изоҳ: мазкур Шакл «Times New Roman» матн редакторининг 11 ўлчамли  
шрифтда расмийлаштирилади.